

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 22 февраль сешанба № 8 (735)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Ислоҳот ва янгиликлар жараёни

Концепция ва ОАВ

Уларда фаол иштирок этиш фуқаролик бурчи ва масъулиятдир

БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ шароитида ахборотнинг ўрни ва роли ниҳоятда муҳим аҳамият касб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Дунёни манфаатлар бошқараётган ҳозирги замонда ахборот кўмағида жуда кўп нарсаларга эришиш мумкинлигини кўриб, билиб, ҳис этиб турибмиз.

ШУНИ АЛОҲИДА қайд этиш зарурки, оммавий ахборот воситалари нафақат жамоатчилик фикрини ўзида акс эттиради, балки ана шу жараёни шакллантириш ва такомиллаштириш вазифасини ҳам ўтайди. Шу боис бугун мамлакатимизни демократик тамойиллар асосида модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролар онгида демократик ва миллий қадриятларни шакллантиришда ушбу соҳага муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Мухтарам Юртбошимиз 2010 йилнинг 12 ноябрь кунини бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда ҳам мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласини белгилаб бергани бежиз эмас. Эътиборга молик жиҳати, мазкур Концепцияда соҳа равнақиға хизмат қилувчи бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Президентимиз томонидан тақлиф этилган ушбу қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш, ўз навбатида, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланиши, оммавий ахборот воситаларининг эмин-эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг том маънода «туртинчи ҳокимият»га айланишлари йўлида барқарор қонуний асос сифатида хизмат қилиши табиий.

Концепцияда, энг аввало, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

фаолиятининг очиклиги тўғрисида» Қонун қабул қилиш зарурати кун тартибига қўйилди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонунлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида фуқароларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан муносабатларини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб беради.

Ушбу Қонун орқали қуйидаги мақсадларга эришиш мумкин:

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг самарали тизimini яратиш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ва медиа-тузилмалари ишини янада фаоллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида реал ўриштириш орқали юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш;

— аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги



ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиш;

— миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вақиллари ҳамда кенг жамоатчиликка Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида мунтазам равишда ҳолис ва ҳаққоний ахборотлар бериб бориш.



Миннатдорчилик

Ҳамкорлик самара беради

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетасининг жорий йил 15 февраль сониди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари акс этган «Ҳар томонлама муқаммал ва ҳаётий қонунлар жамиятда мавжуд муаммо ва масалалар ўрганилиб, амим топиши учун қабул қилинади» сарлавҳали давра суҳбати эълон қилинди.

Ушбу давра суҳбатини уюштиришдан мақсад Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрь кунини бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, яъни «фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланиётганини, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбега чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятининг ошишида муҳим аҳамият касб

этабтанлигини, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаётганини» кенг жамоатчиликка яна бир бор етказишди.

Уйлаيمانки, кўп миң нусхада чиқётган ага ҳуқуқий нашрлар орасида алоҳида ўринга эга бўлган «Инсон ва қонун» газетасида Қўмитамиз аъзолари иштирокидаги мазкур давра суҳбатининг эълон қилиниши жамоатчиликка Қўмита фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш имконини беради.

Умумий иш жараёнидаги ҳамкорлигимиз учун алоҳида ташаккур билдираман.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси

Ҳуқуқий тарғибот:

адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

Юристарлар малакасини

ошириш марказида

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг амалга оширилиши бўйича Республика комиссияси раиси томонидан 2010 йил 10 декабрда тасдиқланган комиссия мажлиси баённомасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик лингвистикаси нуқтан назаридан таҳлил қилиш натижалари ва амалга оширилаётган долзарб вазифалар белгиланган.

МАЗКУР комиссия мажлисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларини амалга татиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилаётган ҳужжатларда жиддий имло, лингвистик хатолар учраётгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ҳамда «Давлат тили ҳақида»ги қонунлари талабларига қатъий риоя этиш, ходимларнинг қонунчилик лингвистикаси борасидаги билимларини мунтазам ошириб бориш, шунингдек, юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашдаги фаоллиги самарадорлигини ва масъулиятини ошириш каби вазифалар муҳокама этилди.

Юқоридагиларни инобатга ҳолган ҳолда Адлия вазирлиги томонидан жойлардаги юридик хизмат ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда қонунчилик лингвистикаси борасидаги малакаларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган Дастур ишлаб чиқилди.

Мазкур Дастур асосида жорий йилнинг 18 февраль кунини Юристарлар малакасини ошириш марказида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар жиҳатдан сифатли ишлаб чиқишда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун талабларига риоя этилишининг муҳим масалаларига қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди. Марказнинг профессор ўқитувчилар жамоаси, филология ва тилшунос олимлар, шунингдек, марказда малака ошираётган юридик хизмат ходимлари иштирок этган тадбирда юридик ҳужжатларни расмийлаштиришда тил, услуб, сўз ва атамаларнинг тўғри қўлланилишига, имло ва жумлалар масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Вазирлик ташаббуси

Очиқ-ойдин мулоқотлар

навбатдаги тадбирларда давом этмоқда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Тайлоқ ва Пастдаргом, Жиззах вилоятининг Жиззах ва Фориш туманларида ҳамда Сирдарё вилоятининг Сардоба ва Окотлин туманларининг чекка ҳудудларида Президентимизнинг ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбирлар ўтказилди.



Тадбир

Муҳташам ва шинам

янги ФХДЁ биноси ишга тушди


ЯҚИНДА Тошкент вилояти, Бўстонлик туманининг маркази саналган Газалкент шаҳарчасида замонавий услубда қурилган ҳашаматли ФХДЁ биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

УНДА Адлия вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, Хотин-қизлар кўмитасининг масъул ходимлари ва аҳолиси иштирок этди.



Долзарб мавзу

Компьютер «қароқчилик»



наркобизнес, терроризм ва одам савдосидек трансмиллий жиноятлар турига айланиб бормоқда

ЎТГАН АСР жаҳон афкор оммаси томонидан «Космос асри» дея таърифланган бўлса, XXI аср ҳеч муболағасиз «Ахборот технологиялари» асри дея номланмоқда. Дарҳақиқат, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар эндиликда кундалик турмушимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Айтايлик, компьютер ёрдамида банк фаолияти, иқтисодиёт, ҳаво кемалари муваффақиятли бошқарилмоқда. Қолаверса, катта ҳажмли маълумотларни яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ ахборот технологиялари ишлатилмайдиган бирон соҳани учратиш мушкул.

АХБОРОТ технологияларининг бу тарзда жадал ривожланиши баробарида ҳуқуқбузарликларнинг янги турлари пайдо бўлаётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, компютер фирибгарлиги, зарарли дастурларни тарқатиш, зарур маълумотларни йўқотиш, ўзгартириш, қалбақлаштириш каби қилмишлар, айниқса, ривожланган мамлакатларда кўп учрайди.



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шафқатлигига эришиш учун эса, кўйидаги вазифаларни амалга ошириш даркор:

— оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш;

— оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш мuddатларини қисқартириш;

— ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири саналади. Шу нуқтага назардан, мазкур қонуннинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатish борасидаги ролини оширишда алоҳида ўрин тутди.

Таъкидлаш жоиз, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган бир қатор давра суҳбатлари ва назорат-таҳлил жараёнларидан ҳам кўриниб турибдики, **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бугунги ва эртанги кун учун ниҳоятда зарурдир. Хусусан, ақинда Қўмита ишичи гуруҳи **“Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”**ги ҳамда **“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”**ги қонунларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари томонидан ижросини назорат-таҳлил тартибиди ўрганиб чиқди. Маълум бўлдики, ҳар бир

фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаш, ўз фаолиятига оид тегишли материалларни веб-саҳифаларга жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, бу йўналишда очиклик ва ошқоралик, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Бинобарин, аксарият давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари томонидан кенг жамоатчиликни ўз фаолияти ҳақидаги тезкор, ҳолис ва ҳаққоний ахборотлар билан таъмин-

хатдан ҳимоя қилиш механизми ҳам ўзгариши табиий. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганларидек, **“Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустақамлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари механизмларини кучайтириш ахборот соҳасига бозор механизмининг жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир”**.

Концепцияда ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва улар-

демократик принципларга асосланган ҳолда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Концепцияда ахборот соҳасини ишлаб этиш борасида таъкид қилинган қонун ташаббусларидан яна бири бу медиа-бозорнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизими ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган **“Телерадиозиттиришлар тўғрисида”**ги Қонунни қабул қилиш, **“Телекоммуникациялар тўғрисида”**ги Қонун нормаларини янада такомиллашти-



Шуҳрат ДЕҲҚАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Ислоҳот ва янгиликлар жараяни

Уларда фаол иштирок этиш фуқаролик бурчи ва масъулиятидир

лашда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик талаб даражасида йўлга қўйилмагани, журналистлар билан мунтазам равишда матбуот конференциялари, брифинглар ўтказиб борилмаётгани, идора фаолиятига нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳоли ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позицияси мониторинг қилинмаётгани соҳа фаолиятини янги қонун билан тартибга солиш заруратини келтириб чиқармоқда. Шунингдек, ахборот технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг интернет тармоғидаги веб-саҳифалари ишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга эҳтиёж сезилмоқда.

Яхши биламики, бугун ҳар қандай босма ёхуд электрон матбуот воситасининг ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, ривож топиши унинг олдига турган энг асосий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустақам бўлган жамоагина ўз мавқени сақлаб қолиши мумкин. Давр ўтиши билан оммавий ахборот воситаларининг ҳам шакли, ҳам мазмуни ўзгариб борар экан, уларни иқтисодий-ҳуқуқий жи-

нинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларига қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган **“Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”**, **“Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”**ги қонунларни қабул қилиш таъкид этилди.

Мазкур қонунлар оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлашга, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни аниқ ва равшан белгилаб беради. Бу эса, фаолият самарадорлигини ошириш, мазкур соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар (преференциялар) бериш, унга бозор механизмларини жорий этиш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, ижодий жамоаларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий муҳим ҳаракатга эга бўлган тахрирларни қўллаб-қувватлаш борасида мустақам ҳуқуқий асосдир. Ҳар икки қонуннинг амалга киритилиши келгусида жамоатчиликни тўла, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш,

рақамли телерадиозиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишдир.

Дарҳақиқат, телевидение ва радио бугунги кунда энг катта аудиторияга эга восита бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни ҳар бир фуқарога етказишда ўрни ва аҳамияти беқийёсдир. Ҳозирда мамлакатимиз ахборот бозорига 80 дан зиёд электрон оммавий ахборот воситаси фаолият юритиб, улардан 60 тасини телеканаллар ва 20 тасини радиоканаллар ташкил этади. Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши, телерадиокўрсатувларни узатиш тизимига босқичма-босқич рақамли технологияларни жорий этиш натижаси ўлароқ, соҳага рақамли, мобил ва интернет телевидение каби мулқоқ янги медиа-тузилмалар кириб келмоқда.

Ушбу йўналишда таъкид қилинган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши телерадиозиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги принципларини белгилаб бериш, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган тан-

ловларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, телерадио соҳасидаги асосий принципларни белгилаш, жумладан, рақамли телевидениега ўтиш муносабати билан истеъмолчиларга умумжамоабурий тусдаги каналларни қабул қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиб беради.

Концепцияда илгари сурилган **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**, **“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”**ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлифи эса, хозирги тезкор давр талабидан келиб чиққан десак, муволага эмас. Зеро, **“Ахборот асри”** дея таърифланаётган XXI асрда ҳар соат, таъбир жоиз бўлса, ҳар дақиқада турли хил янгиликлар, илғор технологиялар яратилмоқдаки, замондан орқада қолмаслик учун уларни ҳаётга изчил жорий этиш бориш мақсадга мувофиқдир.

Мақсад-муддаоларни рўйбога қилиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимига оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини янада орттириш учун лозим бўлган қонуний кафолатларни янада такомиллаштириш учун парламент депутатлари бор куч ва имкониятлари, билим ва тажрибаларини сафарбар этавердилар.

Имтиёз ва кафолатлар ривожланишга қанот бўлади

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — ЎзЛиДеП ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”**га бағишланган **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари”** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ТАДБИРКОРЛАР учун миллий қонунчилигимизда акс эттирилган имтиёз ва кафолатлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини эркинлаштириш нимани аниқлаштириш ҳақида, бу борада қонунчилигимизга киритилиши назарда тутилган янгиликлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Маълумки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодий-ишловчи ривожига муносиб улш қўшмоқда. Ҳозирда мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг 80 фоиздан ортиги нодавлат секторлар ҳиссасига тўғри келади. Агар 2000 йилда Ўзбекистон ялли ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган бўлса, мазкур рақам 2010 йил якуни бўйича 53 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиги айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. 2010 йилнинг ўзига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўринлари барпо этилди. Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиги кишлоқларга тўғри келади. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми кишлоқ жойларида яшашини инобатга олак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ва унинг кафолатларини таъминлаш бўйича, шунингдек, соҳа фаолиятига қўмақлаштириш юзасидан яратилган ҳуқуқий ва институционал асослар шундай ютуқлар қўлга киритилишига замин бўлди.

Вазирликлар, мутасадди идоралар ва соҳа мутахассислари катнашган мазкур семинар-тренингда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Гулиёхра АБДУЛЛАЕВА, “Инсон ва қонун” мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига, янгидан ташкил этилган тузилмаларга ушбу қонун ҳужжатларини амалда тўғри қўллаш ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

ШУ ЖУМЛАДАН, Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги қарори билан тасдиқланган **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом”**га мувофиқ асосий вазифа ва функциялари этиб назорат қилувчи

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунлариданок юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини учун катта имкониятлар эшиги очилди. Ишнинг кўзини билган фуқароларимиз юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзлари учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб фаровон ҳаёт кечирмоқда. Энг асосийси, тадбиркорликка оид қонунчилик базасининг яратилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эркин ривожланиши натижасида мамлакатимизда бундай субъектлар сони ва уларнинг иқтисодий тармоқлардаги улуши ортиб бормоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони талабига кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини, жумладан, молиявий санкцияларни фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди.

Бу эса тадбиркорлар фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашувларга чек қўйди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 8 февралдаги №15-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳри “ТЕМИРЎЛ” адвокат хайъати адвокати Сайёубов Салима Абдиқанович 2009 йил 30 июнь кунга №151-рақами билан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан берилган адвокатлик макони тўхтатилди.

Адлия ёрдам берди Ноқонуний аралашувга қонуний чора

органлар ўтказиётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар қўриш, давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахс-

лари томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувни аниқлаш, ўрганиш ва мониторингнинг амалга оширишдан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича адлия органларига қилган мурожаатлар алоҳида назоратга олинди, улар тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Жумладан, Нукус шаҳридаги “Независимый зональный центр сертификации” МЧЖ раҳбари К.Тураамбетов шаҳар ҳокимининг 2010 йил 12 февралдаги қароридан



Тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл

Натижада тадбиркорлар эришган ютуқлар самараси эса бошлади. Статистик маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ялли маҳсулотларнинг ярмидан кўпроги айнан кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қўллаб-қувватлаш қонунлари қабул қилиндики, улар соҳанинг ривожини учун хизмат қилмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг **“Тадбир-**

корлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларини учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармони ва **“Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида”**ги, **“Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш**

тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари соҳада тўб бурилиш ясади. Президентимиз таъкидлаганидек, **“...Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган қуча айланб бормоқда”**.

Шу ўринда айтиш лозимки, прокуратура органлари

норози бўлиб, 2010 йил 23 февралда ёзган аризаси ўрганилганда ҳақиқатан ҳам жамият ўзига тегишли бўлган маъмурий бинодан ноқонуний равишда чиқарилаётганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Нукус шаҳар ҳокимлигига 2010 йил 11 мартда тақдимнома киритилиб, унга асосан шаҳар ҳокимининг ноқонуний қабул қилган қарорини ижроси тўхтатилди.

Шунингдек, давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув, ноқонуний қарорлар қабул қилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан адлия органлари томонидан тегишли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Отабек НЕГМАТОВ, Элёр АСКАРОВ, Адлия вазирлиги масъул ходимлари

ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида прокуратура органлари томонидан охириги икки йил давомида тадбиркорлик фаолияти субъектлари фойдасига 3,5 миллиард сўмдан ортқ дебиторлик қарзлари ундириб берилган. 400 га яқин ҳолатда уларнинг рўйхатдан ўтишига амалий ёрдам берилган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузиш уларга турли бюрократик тўсиқлар қўйиш, фаолиятига асосиз аралашуш каби қонунбузилишлар юзасидан қатъий прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида барча ҳудудларимизда **“Ишонч телефонлари”** ишлаб турибди. Бу саъй-ҳаракатлар тадбиркорлик соҳасида бюрократик тўсиқлар ва сансоалликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бекзод МИРСОАТОВ, Бош прокуратура бошқарма прокурори

Алкоголь ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари реклама қилинмайди

МОНОПОЛИЯДАН чиқариш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги **“Реклама тўғрисида”**ги Қонунига ҳамда **“Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Қонун ижросига бамиланган брифинг бўлиб ўтди.

МАЗКУР брифингда оммавий ахборот воситалари, кабель телевидениелар, веб-сайтларда реклама жойлаштирувчи корхона ҳамда реклама соҳасига тааллуқли бошқа идоралар вакиллари катнашдилар.

Тадбирда мазкур Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳусусида батафсил маълумотлар берилди. Жумладан, ёшларда соғлом турмуш тарзини тарбиялашда ҳуқуқий асосларни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида, уларни алкогольизм ва чекишдан ҳимоялашда ҳамда Республикаимиз аҳолисининг қўнчилик қисминини ёшлар ташкил этишини эътиборга олиб, Қонунга янги таъкидлашчи норма киритилди. Энди Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, ҳар қандай турдаги ва барча қувватдаги алкоголь ичимликлари ва тамаки маҳсулотлари рекламаси таъқиқланди.

Киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, яширин реклама ва реклама қилиниши тақиқланган маҳсулотларни реклама қилганлик учун жарима санкциялари оширилди. Жумладан, тамаки ёки алкоголь маҳсулотини реклама қилганлик учун огоҳлантирмаган ҳолда тўғридан-тўғри жарима қўлланилади.

“Реклама тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, ўтган йилда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан жойлаштирилган алкоголь маҳсулотлари рекламасини тарқатмаслик борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари бўйича, алкоголь маҳсулотларни рекламасини амалга оширган шахсларга нисбатан Қўмитанинг ҳудудий органлари томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида ҳўрсатмалар берилиб, 100 та корхонага нисбатан жарималар қўлланилди.

Демак, реклама бозори субъектлари реклама тўғрисидаги қонунчиликка тўлиқ риоя этишлари, реклама соҳасида ҳалол рақобат олиб боришлари, истеъмолчилар олдига масъул бўлишлари керак. Брифинг якунида мазкур Қонунни амалга изчил таъқиқ этиш юзасидан иштирокчилар фикр алмашдилар.

Ёрбек ИСКАНДАРОВА, “Инсон ва қонун” мухбири

Қашқадарь вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг 2011 йил 16 февралдаги №18-ум-сонли буйруғига асосан Қитоб туманидаги “Муносиб Раъмон” адвокатлик фирмаси адвокати Мирзоев Аҳад Шарофнинг вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 9 июлда берилган ҳамда бошқарма бошлиғининг 2011 йил 9 февралдаги №19-ум-сонли буйруғига асосан Қитоб туманидаги “Қаболат” адвокатлик фирмаси адвокати Нуралова Сафия Абдуқўлиевага вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 9 июлда берилган адвокатлик макони уч ойдан ошмайдиган мuddатда амалга оширилган адвокатлик тузилмаси ташкил этилуғига қадар ёхуд мавқуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргузига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Ёруғ хиёбон

Ой ёритган чорбоғлар

ЯҚИНДА Муҳиддин Полвоннинг "Армон" ҳикоясини қайта ўқиб чиқдим. Асардаги чизгилар, содда қишлоқ одамлари қиёфаси вужудимни алланечук ширин ҳислар билан тўлдирдим.

ҚИШЛОҚ ҳаётини янада яқинроқ кўз олдимга келтира бошладим. Узим қишлоқда ўсганим боис, ҳикоядаги қишлоқ манзаралари, одамлар, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларида ўзимни шу чанг кўчаларда кезиб юргандек ҳис қилдим. Ахир, дунёга машҳур ёзувчилар асарларида ҳам воқеалар тоғ биқинидаги қишлоқлар, далалар, кешу кенгликлар тилсоли билан тасвирланган-ку. Масалан, Абдулла Қаҳҳор, Шукр Холмирзаев, Нодар Думбадзе, Василий Шукшин, Уткир Хошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Ўзсам асарларида бадий тасвир, ҳар бир детал ва чизги реаликка асослангани учун ҳам ўқувчини ўзига тортигани, ишонтира олгани, миллионлаб ҳақиқий адабиёт шайдолари кўзларини ёшлантиргани ҳақиқат.

Муҳиддин Полвоннинг ҳикояларида қишлоқ ҳаёти бус-бутунлигича, бадий юксаклик билан тасвирланади. Қишлоқ ҳаёти, содда ва самимий қишлоқ одамларини ижодкор алоҳида чизгани бундан беш мучал аввал, Наврўз тантаналари чоғи тоғли Жўлангар қишлоғида, дараклар айти қуртат отиб, гуллаган паллада таваллуд топган Муҳиддин Полвон-

нинг ижодий изланишларига сингиб кетган пок манзаралар одамлар кайфияти билан бежиз уйғун ҳолда тасвирланмаган.

"Армон" ҳикоясидаги бир лавҳа диққатини тортди. "Қиш кунлари. Биллур пўстинга ўралиб олган тоғ чўққилари кўш тафтидан чўчимайди, кўзни қамаштирадиган олтин ипларини чошгоҳ пайтидагина бир пас ёғадиган қор, кўкламга келиб эрий бошлайди, ёққанни ёққан қураб турмаса, томни босиб қолади".

Ҳикояда оддий қишлоқ ўқитувчиси оиласида туғилган, сўнг шаҳардаги олийгоҳ дипломини чўнтакка солиб қайтган, қурилишда меҳнат фаолиятини бошлаган Султонбой ўз ташвишлари билан ўралашиб, қондош синглиси Сабоҳатни сўнги манзилга кузатаётган палласидагина хабар олгани, шурига синдирилган оқибатни унутгани, тобут устига бошини эгиз унсиз йиғлаган саҳнаси маҳорат билан тасвирланган. У ўйчил дунёни кашф этишда турмушнинг нозик қирраларини, ҳаёт сўмоқларида содир бўлаётган номутаносибликлар билан боғлайди.

Ҳикояда илгари сурилган гоё, одамлар, айниқса, яқин қариндошлар орасида меҳр-



муруватнинг йўқолиши, одамларни маънавий тубанлик сари тортиши, бора-бора шахнинг ҳаётда яққаланиб, кўпчиликдан ажралиб қолишини очиб берган.

"Кўк қашқа" ҳикоясида инсон ва табиатнинг уйғунлиги, от ва чавандоз орасидаги илоҳий муносабатлар ёрқин саҳналарда акс эттирилган. "Ини", "Рақоснинг ўлими", "Кўшни", "Куйган илон воқеаси" каби ҳикоялар, "Кўнги", "Сочилиб ётади, ширин туйғулар", "Уйғоқлик", "Нопок", "Одам бўл", "Меҳр тасвири", "Сўқир кўзлар" сингари чиройли шеърларида жозоба, ҳаётнинг ташвишу қувончлари бор.

Шунингдек, Муҳиддин Полвонни тилчи олим дейишга ҳақлимиз. Унинг бу борадаги қатор илмий-оммабоғ асарлари, "Замонавий ишбилармонлар учун роғна-ўзбекча лугат" бу соҳага қўшган муҳим ишларидан биридир.

Озод Шарафутдинов,

Раҳима Мавлонова, Сарвар Кодиров сингари машҳур олимлар, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Орифхон Ҳотамов, каби мақом санъатининг даргалари, Тура Сулаймон, Ҳалима Худойбердиева, Хосият Рустамова, Абдусид Қўчимов, Муҳаммад Исмоил сингари шоирлар тўғрисида таҳлилий-бадий мақолалар чоп этди. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий таълим масалаларидаги қатор мақолалари эълон қилинди.

Ой ёритган чорбоғлар янглиғ сокин асарлар, яхши шеърлар ёзган бу кишини Жиззаху Сирдарёда ёки пойтахтда таниган дўсти ёрлари, ўқувчилари унинг содда ва самимийлиги, энг муҳими, қалам тебратиш машаққатига дош бериб келаётганини қалбим ҳис этдилар.

У киши ҳозир ҳам айни ижод ва изланишда. "Ҳуқуқ ва бурч" ихтимоний-ҳуқуқий журналида Бош муҳаррир ўринбосари лозиминда ҳамкасблари ва шогирдларига ўз билим ва тақрибларини аямая меҳнат қилмоқда.

Қалам заҳмати ва машаққати, ижодий изланишлар тарқ этмаган инсон қалби эса беғубор баҳор фасли янглиғ тиниклини бораверади. Яъни, бу ҳолат, бу давр кесаликни тан олмайди...

Умид СОРИЕВ,
журналист

Ҳурматли юртдошлар!



"Асака" банки (ОАЖ)



Қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги омонат:

"БАҲОРГИ-1".

Сақланиш муددати — 1 йил.

Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилгандан сўнг берилади.

Хорижий валютадаги омонат:

"АКТИВ-1" — АКШ ДОЛЛАРИДА.

Сақланиш муددати — 1 йил.

Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилгандан (1 йилдан) сўнг берилади.

Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун:
"Асака" банки (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81,
120-39-60, 120-39-63

"Асака" банки (ОАЖ)
сармоянғизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгаллик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ЯНГИ МАВСУМДА 180 ДАҚИҚА СОВҒА! «МУЛОҚОТ МАВСУМИ» АКЦИЯСИ

1 февралдан бошлаб RED тарифининг янги абонентлари учун «Мулоқот мавсуми» очилди.

28 февралгача RED тариф режасининг исталган бирига ўланинг ва уч ой давомида Сиз ҳар ойда 60 дақиқадан тармоқ ичида бепул мулоқотда бўлиш имноиятига эга бўласиз.



бир қадам олдинда



Вашингтон, 2011 йил 22 февраль. www.mts.uz

Хизматлар лицензияланган

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССС: **ЎЗБЕКИСТОН**
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
Ахборот агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош
муҳаррир:
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўриғоно Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич

Султонов Алякул Тошбекович
Тураев Тура Эргашевич
Саядов Шоқир Камолович
Ҳамроев Исрол Ҳамзаевич

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Сахифаловчи-
дизайнер:
Тўлқун
РАУПОВ

Индекс: 646882

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буортма j-1160. Тиражи — 22146. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 19.00 — тижорат мақола. [t]

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz

1 2 3 4 5